



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 21 апрел, жума №56 (888)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

20 апрел куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлди.

Учрашув арафасида Президентимиз тадбирни ёритиш учун ҳукумат қароргоҳига йилган журналистларга қўшни мамлакатлар раҳбарларининг мулоқотини ташкил қилишдан қўзланган мақсад ҳақида сўзлади. Маълум бўлишича, учрашув Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан уштортирилган. Бунинг сабаби, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг, халқаро тадбирлар доирасидаги учрашувларни хисобга олмаганда, бир жойга йиғилиб, ўзаро мулоқот ўтказмаганига анча бўлди. Бу орада ҳамкорликда ечилиши лозим муаммолар пайдо бўлганлиги тайин. Мулоқот чоғида мамлакатимиз раҳба-

ри ўз юртимиз учун ҳам, қўшнилариимиз учун ҳам жуда долзарб ва фойдали бўлган масалани илгари сурди. Бу минтақа мамлакатлари хавфсизлик органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини кенгайтириш борасида муайян ҳуқуқий пойдевор яратиш масаласидир. Гап шундаки, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро икки юздан ортиқ ҳужжат имзоланганига қарамай, улар орасида ҳалигача мазкур масалага тегишли ҳужжат йўқ. Утган йили Қирғизистоннинг Боткен туманига жангарилар босиб кирганидан бу камчилик яққол намоён бўлди. Ваҳоланки, ҳарбий-техникавий ёрдам сўраш ёки шундай ёрдам кўрсатиш, террорчиликка қарши ҳам-



корликда курашиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирадиган ва белгилаб берадиган ҳужжат қабул қилиш мумкин эди. Шу боис минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабат-

ларига оид масалалар муҳокама этилган учрашувда хавфсизлик мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирла-

ри ва хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

21 апрел куни Дўрмон қароргоҳида тўрт мамлакат президентиларининг учрашуви давом этади.
(ЎЗА)
А.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Хотира уйғонса гўзалдир

Дунёда барча нарса ўзига хос ва бетакрордир. Қора тун бағридан тонглаб оқарганидек, саховат рамзи Куёш барчага бир хил, беминнат нур таратганидек, адолатли, доно йўлбошчилар ҳаммиса эзгу ишлар бошида туриб, халқни ягона ғояга бирлаштириб, эл-юрт манфаати, миллат шаъни, ғурури, келажак авлод баркамоллиги йўлида камарбаста бўладилар. Асрлар ўтса-да, улар қурдирган мухташам иморатлар, мадрасалар, боғу роғлар эзгулик қўргони сифатида мангу яшайверади.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Бўзсув канали қирғоғида мустақиллик даври қурбонлари хотирасига атаб барпо этилаётган «Шаҳидлар хиёбонида» туризмани хайлимдан шулар ўтаверади.

Қўда баҳор кўеши нур сочади. Унинг нурларидан шуьлаланиб «Бўзсув» тўлғониб оқади. Унинг икки қирғоғида ҳаёт қайнади. Бульдозерлар гулдурлаб тупроқ суради, Грейдерлар ер текислайди, юк машиналари турна қатор бўлиб тупроқ, бетон, шагал, цемент олиб келиб тўқади. Асосий ёдгорлик ўрнатилган майдонда «Махсусмонтаж-қурилиш», «Паркентсувқурилиш» трестининг қўли гул усталари устунларга мрамар плиталар ўрнатишади. Йўлақларга шаклли тошлар теришади. «Кўприққурилиш» трестининг бунёдкорлари эса «Бўзсув» соҳилларини бирлашти-

ТАЪЗИМ

рувчи маҳобатли кўприкка сайқал берилсади. Кўнгли бўлиб ҳашарга келган ёшлар эса чим ётказётган ишчиларга, чиройли гулзорлар барпо этаётган боғ-бонларга кўмаклашишади. Халқ бирлашиб, биргалашиб, меҳнат қилади, бу меҳнатдан ҳеч ким оғринмайди, аксинча қилаётган ишларидан дилларида гурур, фахр-ифтихор уйғонади. Бу ерга келган одам ҳаётнинг, мустакилликнинг қадрини теган англайди, юрагида қарздорлик ҳисси уйғонади. Ватан, халқ озолиги йўлида айна камолот ёшида шахид кетган Қодирий, Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби минглаб миллатимиз фидойиларининг руҳи-равони шод кезаётганини ҳис қилади, киши бу майдонда. Чиройли майдонларда ўтказилган ниҳоллару гуллар силкинишида боболаримизнинг нафасларини туюсиз. Бу ерда ўзлиги, қайтган миллатнинг бирлигини, аҳилигини кўриб, кўнглингизга фахр-ифтихор туюсиз ва хиёбонда астойдил меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни суҳбатга чорлайсиз.

Равшан Жўраев - «Тошшаҳарнур» бирлашмаси бошлигининг ўринбосари:

— Марҳумлар руҳини шод қилиш, улар хотирасини эъзозлаш учун халқимиз азал-азалдан чироқ ёққан. «Шаҳидлар хиёбони»ни нурлантириш, қатагон қурбонлари руҳига чироқ ёқиш бизнинг жамоамиз ишчиларига ҳам насиб қилганидан беҳад шодимиз. Ҳозир бу ерда 40 нафар нурчиларимиз фонлар ўрнатиш, чироқларни таъмирлаш, монтаж ишларига сафарбар этилган. Насиб бўлса бу майдон халқимизнинг тарихий хотирасини ёритадиган зибратгоҳ бўлади.

Ҳаким Ақромов - «Паркентсувқурилиш» трести устаси.

— Миллатнинг бўюклиги унинг маънавияти ва маърифати билан белгиланади. Амир Темур бобомиз, бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга боқинг, деган эканлар. Қаранг тарих силсиласида Амир Темур неча бор оқланиб, қораланса-да, у қурдирган иморатлар буюк соҳибқироннинг номи, шону шафқати сифатида асрлар оша яшади. Насиб бўлса биз барпо этаётган «Шаҳидлар хиёбони» ҳам авлодларнинг бой маънавий меросига айланади. Феврал ойидан бери хиёбонда ишларканман, юрагимни ана шу туйғу ёритиб туради. Мен билан бирга ишлаётган 30 нафар ҳамкасбларим ҳам эзгу ишга бевоқифа иштирок этаётганларидан беҳад мамнунлар. Айниқса, Махмуд Рўзитоёв, Маъруф Авазов, Шерали Джунусалиев каби ўз ишининг моҳир усталари ҳар кун 1,5-2 хиссадан ошириб меҳнат қилмоқдалар.

Дилдора Абдурахимова - 18-касб-хунар мактаби ўқитувчиси.

— Майдонга ташриф буюрган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар ўтганини билмайману, аммо бу ерга келадиган ёшу қари Ватанимиз озолиги йўлида жонларини фидо қилган қатагон қурбонларини ёд этадилар, уларнинг қадр-қиймати ҳақида ўйлайдилар, уларни ёдга оладилар, хотираси олдида бош эгедилар. Бу муқаддас ғояга насиб бўлса энг гўзал зибратгоҳ ва ёшларга тарих сабоқларини ўқитувчи тарбия маскани бўлади.

Ана шундай улуг ва савобли умумхалқ ишига бахли-қудрат хисса қўшаётганимиз учун беҳад мамнунимиз.

Кўнглимиз фахр-ифтихорга, юрагимиз нурга тўлиб «Шаҳидлар хиёбони» қурилиш майдонидан қайтарканмиз, Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» деган оташин мисралари ёдга келди. Ҳа, халқ катта куч, қудрат тисмоли. Уни эзгулик йўлида бирлаштириш, савобли ишларга йўналтириш фақат даҳо йўлбошчиларга насиб этади. Президентимиз Ислам Каримов ҳам халқнинг ана шу олийжаноб фазилатларини юзага чиқармоқда, уларни савобли ишларга қорлаб, эзгулик атрофида бирлаштирамоқда. «Шаҳидлар хиёбони» ҳам ана шундай эзгу ишлардан биридир. Донулар айтганидек, эзгуликдан қўрғон қурганлар, дунё тургунча тургай.

Амина КОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири.

МЕДАЛЛАР МУБОРАК

Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейида Россиянинг Подольск шаҳрида кўл жанги бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда совринли ўринларни эгаллаган ёш спортчиларни мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Бу нуфузли турнирда МДХ давлатларида 42 спортчи иштирок этди. Унда ҳамкорларимиз Шерзод Қобилов, Рустам Магдиев, Абдухамид Бахромов ва Музаффар Жуманиёзов олтин медал, Шухрат Минаваров эса бронза медал соҳиби бўлди.

ЙЎЛЛАМА УЧУН ҚИЗГИН КУРАШ

Наманганда жаҳон чемпионатида йўлланма олиш учун бўлиб ўтаётган шахмат бўйича минтақавий турнирда кураш авжига чиқди. Унда халқаро гроссмейстерлар - ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва Александр Ненашев ҳамда қозоғистонлик Евгений Владимиров 10 турдан кейин 10 имкониятдан 8 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Декабр ойида Хитойда ёки Марокшда ёхуд Қозоғистонда йўл масалани ФИДЕ май ойида ҳал қилади бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўлланма эса бор йўғи иккита.

Хал қилувчи учрашув 21 апрелда ўзбекистонлик Александр Ненашев ва қозоғистонлик Евгений Владимиров ўртасида бўлиб ўтади.

Истиқлол берган имкон

Бахтсиз ҳодиса сабабли кўп қон йўқотган инсон ҳаётини сақлаб қолишда олдиндан тайёрлаб қўйилган қон ва қон препаратларининг аҳамияти каттадир. Тошкент шаҳридаги қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонаси ходимларининг зиммасида ана шундай масъулиятли вазифа юкланган.

Корхонада 270 нафар ходим бригада усулида меҳнат қилади. Бу ерда бир йилда 11 тонна донорлик қони тайёрланади. Шу мақсадда корхонага кўплаб мижозлар жалб қилинган. Ҳар бир донордан олинган қон гепатит С, спид, сифилис каби хавфли юқумли касалликларга текширилади. Шундан сўнг тезда қондан 15 га яқин турли препарат ва компонентлар тайёрланади.

— Шаҳар тасарруфида 9 та қон куйиш бўлимишимиз бор, - деди биз билан суҳбатда корхона директори Шавкат Қосимов. - Ана шу бўлиملарни ва шаҳардаги барча туғруқона, шифохоналарни қон ва қон препаратлари билан таъминлаймиз. Шунингдек, корхонамизда ҳар кун махсус бригада фавақулдада ҳолатларга шай ҳолда навобатчилик қилишади. Ишларимизни Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон куйиш институти билан ҳамкорлик асосида олиб борамиз.

ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Ўзбекистон Фалсафа жамиятида фалсафа фанининг янгилини муаммоларига бағишланган доимий илмий-назарий семинарнинг навбатдаги ўн тўртинчи машғулот бўлиб ўтди. Уни Фалсафа жамиятининг президенти, Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси С.Шермухамедов бошқарди.

Мустақилликнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ва бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш жараёни фалсафа фанига янгича ёндашуви талаб этади. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти бош директори, профессор Н.Тўхлиёвнинг «Ўзбекистонда мулкдорлар синфи шаклланишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузасида ана шу масалалар хусусида атрофича сўз юритилди. Мулкдорлар қатламнинг шаклланишига айрим шахсларнинг шўро тизимида сингдирилган боқимандалик кайфиятидан ҳали-ҳануз қутила олмаётгани тўқинлик қилмоқда. Нотик масаланинг ҳуқуқий, фалсафий, социологик жиҳатлари хусусида ҳам батафсил тўхталди.

Маъруза юзасидан ўзаро баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Машғулот сўнггида ушбу мавзу бўйича махсус илмий-амалий анжуман ўтказишга келишиб олинди.
(ЎЗА)

GERMANIYA BILAN HAMKORLIK

Тайёрланаётган махсулот сифатини яхшилашда хорижийликлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яъни, Германиянинг «Мендекс» фирмаси билан шартнома тузди. Бундай ҳамкорлик ишларимизни анча энгиллатиш имконини беради. Яқинда Берлиндаги Гематология ва трансфузиология институти директори, профессор Мартес бошчилигидаги мутахассислар бир ҳафта Тошкентда бўлишиб, келтирилажак асбоб-ускуналарни қандай жойлаштириш, ундан фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериб кетишди.

Шуни айтиш керакки, бундай ускуналар Ўрта Осиё республикаларининг бирортасида ҳам мавжуд эмас.

Шунингдек, анализ препаратларини илгари Россия олиб келар эдик. Ҳозир бу масала ҳам ижобий ҳал этилди. Республика онкология-радиология институти қосидаги «Нихол» экспериментал заводидан бундай препаратларни сифатли тайёрлаб бераёпти. Албатта, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ечишда шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам бераётир. Лекин донорлик

масаласи анча қийин ҳал этилаёпти. Сабаби ихтиёрий равишда қон топширувчи донорлар камайиб кетди. Чет элларда эса аутодонорлик йўлга қўйилган. Яъни, истаган киши лабораторияда қон топширгач, уни музлатишга қўйишади. Зарур бўлиб қолганда ундан ўзи фойдаланади.

— Ходимларимизни имкон даражасида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳарқат қилмоқдамиз, - дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Гўзал Қаюмова. - Бу масала маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ҳам ўз аксини топган. Ходимларимизни ҳар байрамда мукофотлашимиз. Тўй ёки маърака қилаётганларга моддий ёрдам кўрсатамиз.

Хуллас, бахтсиз ҳодисалар сабабли жароҳатланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай фидокорона меҳнат қилаётган жамоа аъзолари ҳар қанча рағбатга лойиқдир.

Муборак МИРКАМОЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

ҚАЛЪИ ҚУЁШЛАР

САМАРҚАНДА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН КИШИЛАРИ ИЖТИМОЙ ФЙДАЛИ МЕХНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАЙТИ

Шахсий бойлик орттиришга зўр берган тижоратчидан эл-юртга манфаат келтирадиган тадбиркорликни фарқламоқ керак. Чинакам тадбиркорлик замирида ҳаммиса ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий бойликларни кўпайтириш, элга наф келтириш мақсади муҳассамдир. Самарқанд ва Тошкент вилоятлари тадбиркор аёлларининг учрашувида ана шу ҳақда сўз борди.

Тадбиркорликнинг қирраси кўп. Кимгадир фойданг тегса, демак, сен ҳам жамиятга наф келтираётганингни ҳис этасан. Аксарият тадбиркорлар катта ишларга кўл уриб, тезда кузга қуринишни исташади. Лекин аҳолининг меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган қатламларига гамхўрлик қилиш ҳамма нарсадан улғурқоқдир. Гап уларга хайр-садақа бериш ҳақида эмас, балки имкония-

ти чекланган кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш тўғрисидадир. Самарқандда биринчи бўлиб бу ишга кўл урилганлиги учрашув катта ишларга кўл уриб, тезда кузга қуринишни исташади. Лекин аҳолининг меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган қатламларига гамхўрлик қилиш ҳамма нарсадан улғурқоқдир. Гап уларга хайр-садақа бериш ҳақида эмас, балки имкония-

ти чекланган кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш тўғрисидадир. Самарқандда биринчи бўлиб бу ишга кўл урилганлиги учрашув катта ишларга кўл уриб, тезда кузга қуринишни исташади. Лекин аҳолининг меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган қатламларига гамхўрлик қилиш ҳамма нарсадан улғурқоқдир. Гап уларга хайр-садақа бериш ҳақида эмас, балки имкония-

ватлаш, уларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш каби улғу ишлар ҳам тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланаёпти.

Жамиятнинг равнақи аёлнинг моддий-маънавий, руҳий, жисмоний ҳолатига кўпроқ боғлиқ дейилса, муболага бўлмайди. Чунки аёл жамиятнинг негизи бўлишида оиладаги муҳим муҳим ўрин тутди. Қисқаси, соғлом аёл турмуш ўртоғига ҳам, болаларига ҳам суянчиқ бўла олади. Самарқанд вилоятида масаланинг ана шу томонларига эътибор қаратилиб, «Соғлом аёл» номидаги таълимий унинг қосида тиббиёт маскани фаолият бошлаганига ҳам анча бўлди. Шунингдек, аёлларни моддий қўллаб-қув-

ватлаш, уларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш каби улғу ишлар ҳам тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланаёпти.

Собида Қудратова, яқка тадбиркор: — Оила аъзоларим билан асосан қандолатчилик цехи очиб, аҳолига зарур махсулотлар етказиб бераёламиз. Бу соҳада ҳам халқимизнинг қадимий анъаналари, усуллари, махсулот турлари кўп. Шуларнинг айримларини қайта тиклаб, тайёрлашни йўлга қўйдик. Қисқа даврда кишлоқдаги озолаб хотин-қизларни бу ишга жалб қилдик. Яқинда Германияда бўлиб, қандолатчилик технологиясини ўрганиш билан бирга ўз махсулотларимизни намойиш этдик. Улар билан

кўп томонлама ҳамкорлик қилиб, ўз навбатида Ўзбекистон пиширишни ўргатдик. Демокриманки, ҳарқорлик кенгайган сари тадбиркорлик имконияти ҳам яхшиланаверади.

Тадбиркорлик жуда масъулиятли фаолият. Айниқса, унга хотин-қизларнинг ҳам фаол иштирок этиб, миллий хунармандчилик ва ўзига хос зарур махсулотларни ишлаб чиқариб, аҳоли эҳтиёжини қондираётганлиги янада қувончли. Бир эътибор берингиз, ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг ўзида мингдан зиёд тадбиркор аёллар бор. Улар фаолиятли турлича. Лекин мақсадлари ягона - эл-юртга наф келтиришдир. Эндилдикда учрашув иштирокчилари республикамизда тадбиркор аёллар ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.
Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ШИФОХОНАГА «ДАМАС» СОВГА ҚИЛИНДИ

Аёллар давраси. Муаллималар, кутубхоначилар, шифокору тикувчилар, уй бекалари. Соғлом авлод - суҳбат меҳвари.

— Йилда келаётганда курганимиз - Султон Марам чойхонаси Урганч тумани марказида ташландик ерларни обод қилиб қурилган. Бир пайтлар ахлатхона бўлиб ётарди. Қадим Султонов, хотини Робия Аҳмедова, 6 ўғли, келинлари бирлашиб, жуда катта меҳнат эвазига тартибга келтиришди, бу чойхонани, — дея ҳаяжон қилади Урганч тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин- қизлар кўмитаси раиси Раёна Қодирова. — Бугун бу хусусий тадбиркорларнинг чойхонадан ташқари, машиналарни таъмирловчи устахонаси, нон чеҳи, саратрошхонаси бор. Яқинда тикувчилик чеҳи ҳам ишга тушади. Булар ҳозир Хоразмнинг энг олди тадбиркорлари. Кўп саховатли одамлар. Болалар ўйлари, шифохоналарга мунтазам хайр- эҳсон қилишади. Яқинда туман марказий шифохонасига «Дамас» машинасини совга қилишди.

Раёна опа Султон Марам чойхонаси эгалари ҳақида фахрланиб, суюниб гапирди. Мен эса захматдан қўрмайдиган, ишининг кўзини билан

диган бу оилга ҳавас қиламан. Уларнинг невараси фарзандлари иқтидорли болалар лицейларида таълим олишади. Илмга интилишади.

Кимлардир бойлик тўплаб, дабдала иморатлар солиб, кўз-кўз этади. Кимлардир етти маҳаллага доврақ солиб тўй қилади. Султон Марамнинг захматқашлари эса бойликларини хайрия қилади, ўз зурриётларини тўғри тарбиялаш учун харжлайди. Соғлом авлоднинг энг тўғри тасавури ана шундай саховатпеша, умидли инсонлар юрагига муҳрланган бўлади. Қоровул қишлоғидан саксон ёшни қоралаган Уғилжон момолди келинининг қайнонаси, невараси келинларнинг қўлидан чой ичиб, хурмат тахтада салобат тўкиб ўтирган момо. Унинг ҳам соғлом деган сифат ҳақида ўз тушунчаси бор:

— Дўхтирлар барака топишсуну, лекин келинларимиз боласи «иҳ» деса, уларга чопавермаслиги керак. Анжирнинг яроғини кесса, сув чиқади. Суви терига тошган яра-чақаларга даво. Айниқса, темирткирга. Чойга бозиллаб турган чўғни ташлаб, ичирса, қорин оғриғини тўхтади. Хоразмда семиз ўт деган ўсимлик бор. Боланинг бошига ёпса, оғриғини олади.

Шу Қоровул қишлоғидаги Низомий номли мактаб муаллимаси Гавҳарой Шарипова, Урта Боғ қишлоғидаги овсинлар — Дилфуза ва Ойшахонлар ҳам суҳбатга жон киритадилар. Гавҳарой опа Қоровул қишлоғида хотин-қизлар етакчиси экан.

— Шахаржон опа Юсупова деган тадбиркоримиз бор. Шу яқин атрофдаги қиз-келиндарга хунар ўргатади. Тўй чопонлари, кўрпа-тушакчаларни буюртма билан тикишади. Қўлида хунари бор инсон саломат яшашини таъминлади, деган гап. Хунарсиз киши ҳам руҳан, ҳам жисмонан қисилади. Шахаржон опа ёшларни ана шу қисилишдан фориғ этади.

— Гавҳаржон муаллимимизга бориб, билиб-билиб гапирди. Овсинлар Дилфуза ва Ойшахонларнинг ҳам кўлларида гулдай хунарлари бор экан. Дилфуза тикади, тўқийди. Ойшахон фуқаролар йиғинида котиба. — Ишлаган яхши, — деди овсинлар. — Ишлаётган аёлнинг фарзанди ҳам жамият ичиде ўсади. Меннинг онам, дадам фалон иш қилади, деган гурури бўлади.

Овсинларнинг бу фикрларини диллимдан маъқуллайман.

Кутлибека Раҳимбоева.

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида ва унга қарашли марказий тажриба хўжалиги ҳамда 93-болалар боғчасида 300 нафардан зиёд илмий ходим, ишчи-хизматчи ва тарбиячилар фаолият кўрсатади. Ишловчилар учун қулай иш шартлари яратиш, ўз вақтида маош тўлаш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш жамоа шартномасининг асосини ташкил этади.

Қўшимча даромад

у ижтимоий ҳимояга хизмат қилмоқда

— 1998-1999 йиллар учун маъмурият ва касба уюшмаси ўртасида тузилган бу муҳим ҳужжатда режалаштирилган ишларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди, — дейди институт касабакўми раиси Озод Муратов. — Иш жойларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, меҳнат иттизомини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш масалалари томонларнинг диққат-марказида бўлди. Хусусан, ўтган йилда жамоа аъзоларига моддий ёрдам сифатида 245 минг сўм, мукофот сифатида 640 минг сўм ва зарарли мухитда ишловчиларга 225 минг сўмлик бепул сут маҳсулотлари берилди.

Институт бюджет ташкилоти ҳисобланад Лекин раҳбарият, хўжаликлар билан шартномалар тузиб, қўшимча даромад манбаларини изламоқда. Даромадларнинг бир қисми ишловчиларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Жамоа шартномасида кўрсатилган бандларга асосан институтда ишлаб нафақага чиққан 60 нафар киши, шу жумладан, 19 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларига ёрдам

олиmlарнинг яшаш шартларини яхшилаш, «Соғлом авлод йили» муносабати билан бир қатор қилиниши керак бўлган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, унга ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволанишга муҳтож ходимларни рўйхатга олиш ва улар харажатларини қисман қоплаш, ҳомилиқдор аёлларга

бериладиган таътиллари 5 ойгача узайтириш каби бандлар киритилди. Жамоа шартномасида кўрсатилмаган бир қанча моддий энгилликларни амалга ошириш мумкин. Бунга асос бор. Масалан, ҳозирги кунда институт турли хўжаликлар, чет эллик ҳамкорлар билан кўплаб шартномалар тузмоқда. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида ҳам қўшимча маблағ тушиши мумкин. Албатта, бу маблағлар институт фаолиятини кенгайтиришга ва ходимларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга сарфланади. Чунинчи, 2000 йилнинг биринчи чорагида ишчи-ҳодимларга 104 минг сўм моддий ёрдам, 67 минг сўм мукофот пули ва зарарли мухитда ишлаётганларга эса 60 минг сўмлик бепул сут маҳсулотлари берилди. Институтда узоқ йиллар фаолият кўрсатган ходимлардан иборат бир гуруҳ жамоа аъзоларини Самарқанддаги Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳига олиб бориш режалаштирилган.

Ғулум ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР «МАССЕЙ ФЕРГЮССОН»НИ СИНАЯПТИ

«АГКО» қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик корпорациялардан бири ҳисобланади. Корпорациянинг таркибиде 15 та машинасозлик компанияси бор. Шулардан бири бўлган - «Массей Фергюссон» корпорациясининг заводлари асосан АҚШда, Жанубий ва Марказий Америкада, Фарбий Европа мамлакатларида жойлашган. Улар қишлоқ хўжалик техникасининг барча турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

1998 йилнинг апрелида «АГКО» корпорацияси билан «Ўзқишлоқхўжалик» таъминот-таъмир» давлат кооператив кўмитаси ўртасида Ўзбекистонга 600 та трактор ва 600 та плуг олиб келиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. 1999 йил 19 июлда 25 та MF-8160 маркали трактор ва 25 та MF-715АН маркали плугни мамлакатимизга келтириш ва бу техникани кенг миқёсда синовдан ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиш қабул қилди.

Яқинда ана шундай замонавий техниканинг дастлабки туркуми - 25 таси Қашқадарё вилоятига келтирилди. Қуни кеча «Ишонч» туманидаги «Ишонч» қорақўлчилик-нашчилик хўжалигида шу муносабат билан тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Мутахассислар фикрича, «Массей Фергюссон» трактори ҳозир бизда қўлланилаётган техник воситаларга нисбатан бир мунча афзалликларга эга. Жумладан, у қаттиқ ва юмшоқ ерларни бир хил чуқурликда ҳайдай олади, бир кеча-кундузда ўртача 20 гектар ерни шудгорлаши мумкин. Иш бажариш сифати ва суръати юқорилигидан ташқари, унда механизатор учун талай қулайликлар яратилган. Айна қияларда бу қудратли техника вилоят хўжаликларида синовдан ўтапти.

А.ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

ЯНГИ АТЛАС ЯРАТИЛДИ

— Республикаимизнинг янги яратилган жуғрофия атласи 300та ўрта умумий таълим мактабларида синовдан ўтказилди. Натижалари ҳар томонлама ўрганилган, кенг миқёсда қўллаш мақсадида мазкур атласлар республикаимизнинг барча умумий таълим мактабларида етказиб берилди.

— Янги атлас устида ишлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги Фармойиши асосида олиб борилди. — деди мазкур нашр таҳририят аъзоси Т. Ғулумов «Туркистон - пресс» мухбири билан суҳбатда. — Лойиҳа 40 дан зиёд ташкилот ва муассасалардан олинган маълумотлар асосида тайёрланди. Унда жуғрофия фани дастури ва ўқув қўлланмалари муаллифлар, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет жуғрофия факултети олимлари фаол қатнашдилар. Ўттиз олти бўлимдан иборат атлас юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда Ўзбекистон ҳудудидаги хом ашё захиралари, тарихий ёдгорликлар манзиллари, 570 турдаги ҳайвонот ва тўрт минг хилдаги ўсимликлар дунёси ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Мутахассисларнинг фикрича, янги ўқув қуроли ўқувчиларнинг жуғрофияга оид билимларини, уларнинг тафаккур доирасини оширишга кўп йиллар самарали хизмат қилади.

Долзарб мавзу

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида хориж технологияси асосида қурилган «Сандвич» корхонаси ишга тушганде боғбон-у деҳқон жуда қувонган эди. Афсуски, бу хурсандчилик узоққа чўзилмади.

«САНДВИЧ»НИНГ СИНИШИ

Негаки мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаб, чиroyли идишларга қадоқлайдиган мазкур корхона узоқ ишламади. Унинг Италиядан келтирилган буг қозони ёрилди. Қиймати уч миллион АҚШ долларига тенг замонавий технология қаровсиз қолди. Не-не умидлар билан миллионлаб маблағ эвазига қурилган корхона банкротга учради. Нега? Корхонанинг бевосита мутасаддиси - ви-

лоят мева-сабзавот бирлашмаси бошлиғи Узоқ Раҳимов бу саволга жўяли жавоб беришди. Унинг айтишича, у заводда қандай маҳсулот ишлаб чиқарилгани тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас. Корхонанинг ҳозирги раҳбари кимлигини ҳам билмайди. Масъул раҳбарларнинг ўз ишига мана шундай лоқайдлиги боис ўтган йили вилоятда 34 тонна ўрнига атиги 11 тонна узум қайта ишланди. Кўпги-

на хўжаликлар ёз бўйи етиштирган маҳсулотига харидор тополмай сарсон-саргардон бўлиб, ҳосилини бой беришди. Масалан, Сурхондарёда бултур пилез мўл бўлди. Бу қайта тайёрлаш корхоналари учун зўр имконият ва мўмай даромад манбаи бўлса-да, ундан унумли фойдаланилмади.

Ҳадемай, юртимизда яна мева-чева фарқ қилмади. Уни нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш ва бежирим идишларга қадоқлаб, бозорга чиқариш, ҳатто экспорт қилишга жуда катта эҳтиёж бор. Афсуски жойлардаги тайёрлов корхоналаридаги ҳақиқий аҳвол ҳали-ҳамон ҳеч кимни қизиқтираётгани йўқ. Бундай хўжасизликларга қачон чек қўйилар экан?



ГУЛБАХОР ЧЕВАР

Гулбахор Сайфуддинова Марғилон шаҳридаги эмас, балки бутун водийда чевар тикувчи сифатида танилган.

Американинг «Бурда мода» дизайнери бўйича модельерлик курсини тамомлаган Гулбахор айни кунларда «Мушарраф ЛТД» фирмасида уста сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унинг корхонасида 21 та тикувчи ишлайди. Чеварлар миллий либослар, каштачилик, зардузлик, дўппидўзлик, келинлар либоси, болалар кийими, тўр тикиш билан шуғулланишади.

Шаҳарга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар хунарманд Гулбахор Сайфуддинова тайёрлаган маҳсулотларини севиб харид қилдилар. У жамоа корхонаси аъзоси сифатида вилоят «Ташаббус - 98» ҳамда «Ташаббус-2000» танловларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. «Хунарманд» уюшмаси ҳошида 2000 йилда уста-шогирд мактаби очилади ҳамда Гулбахор касб сир-асрорларини ўргатади.

Суратларда: тадбиркор Гулбахор Сайфуддинова шогирдлари даврасида.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



РАНГЛИ МЕТАЛЛАР АСРАБ ҚОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони хайта тадбиқ этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳақда республика Ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармаси йўл назорати рота бошлиғи, милиция катта лейтенанти Унгар Турдимуродов «Туркистон-пресс» мухбирига шундай деди: — Президентимиз Фармони бўйича ДАН бошқармаси томонидан иш режалари ишлаб чиқилди. Яқинда рангли металлларни республикамиз ташқарисига олиб кетишга уринган бир гуруҳ кишиларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Масалан, шу йил 1 март кунини Тўртқўл тумани ҳудудидаги «Мискин» ДАН постиде Нукус - Ташкент йўналиши бўйича кетаётган давлат рақами 11 АА 993 «Мерседес-Бенц» автобуси текирилганда, унда 2200 килограмм рангли металл олиб кетилаётганини аниқланди. Шу кунини Қонлиқўл тумани ҳудудида Нукус - Мўйнок йўналишида Собир Рўзमतов бошқарган давлат рақами И 81-67 АН «Зил-130» ва Мақсуд Ниёзматов бошқарган давлат рақами Э 63-69 ХЗ «Зил-130» автомашиналари йўл назорат ротаси ходимлари томонидан тўхтатилганда, икки автомашинада 11250 килограмм рангли металл олиб кетилаётганини ошкор бўлди. Республика ДАН бошқармаси ходимлари томонидан рангли металллар парчалари ва чиқиндилар ўғирланишининг олдини олиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ, «Туркистон-пресс».

Оғриқ нуқталар

Исоқжон Нишонов Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғининг ғайратли, ташкилотчи, узоқни кўра оладиган йигитларидан. У тадбиркорлар сафига биринчилар қаторида қўшилиб, ҳатто чўл зонасидаги қатор болалар боғчалари, шифохоналарга ҳам паррандачилик маҳсулотлари етказиб беришда намуна бўлди. Бир кунини катта йиғиндан сўнг суҳбатлашиб қолдик. Кайфияти чоғ, келажак ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Эришилаётган натижалари билан самимий қутладим.

— Эл қатори ҳаракат қилаямиз. Ахир бугун давр тадбиркорликни талаб этапти, бунинг учун барча имконият етарли, — деди фермер Нишонов. — Энг қувончлиси, давлатимиз раҳбари бизни қўллаб-қувватлаб турганидан кейин дадил харажат қиламиз-да. Асл деҳқон фарзандлари ишонччи оқламаса, уят бўлади. Исоқжоннинг болалиғи оғир кечди. Ота-онадан жуда эрта етим қолди. Тирқиқчилик ташвиши деб мактабни тамомлаши билан ўзини меҳнатга урди. Мол боқди, кетмон чопди, томорқада баҳоли-қудрат неъмат етиштирди. Уддабурон йиғит Наманган педагогика институтини сирдан тугаллашга ҳам эришди. Бироқ фермерликка илхоси баяндад эди. Орсузи ушалди. Туман ҳокимлигининг қарори билан у ҳақиқий мулкдорга айланди.

«Чўлпон» фермер хўжалиғи раҳбари имкониятдан унумли фойдаланади. Кўпчилик эътибор қилмаган паррандачиликни ривожлантиришга қатъий қирришди. Дастлаб 120 бош товуқ меҳр билан парваришланди. Маҳсулотлар асосан болалар боғчалари, касалхоналарга арзон нарҳда ўтказилди. Ҳадемай, товуклар бош сони 200 тага етди. Аммо парранда кўпайган сари озуқа муаммоси кўндаланг бўла бошлади. Негаки, вилоят дон маҳсулотлари корхонасида парранда учун зарур бўлган озуқа тайёрланмасди. Боз устига, қўлида наряд бўлса-да, ҳафталаб сарсон бўлиш ишининг белига тепди. Гинахонлик қилишининг фойдаси йўқ. Муаммони ҳал этишда тадбиркорнинг ўзи жонбозлик кўрсатиши керак. Исоқжоннинг изланувчанлиғи, би-

лими иш берди. Паррандачиликка оид китоблар, мақола-ларни ўқиб, кўп нарсани билиб олди. Вақти келса, мутахассислар кўмағига таянди. Шу орада Қувасойдаги парранда-

хўжатга парво ҳам қилмади. — Ҳозир имконият йўқ, бундо йиғиштириб олинганидан кейин ўйлаб кўраимиз, — деди. Қузда учраганида эса баҳорда келишини айтиди.

ФЕРМЕР НЕГА ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТДИ?

Бироқ, Исоқжон иродали, сабр-қаноатли инсон. Тушунлиқка тушмай яна ишини давом эттирди. Бултур давлатга 47 минг дон тухум, тирик вазнда 1 тоннадан ортиқ парранда гўшти етказиб берди. Амалдаги йилнинг биринчи чоррагини ҳам қувончли яқунлади. — Паррандачилик билангана кони фойда, — фикрини ифода қилади фермер. — Афсуски, ер етишмаслиғи туфайли сердаромад соҳани кўзлаганимиздек ривожлантира олмаямиз. Бировга ёмонлик қилганимни билмайман, бироқ хайрли ишни юксалтиришимда кимлардир тўғанок бўлаяпти. Қурашавериб, чарчадим шекилли, охири фермер хўжалигини беркитишга қарор қилганлигини баён этиб, март ойида туман ҳокимлиғига ариза топширдим. Қизиги шундаки, ер

кўрсатилди. Комиссия йиғилишида аризамни кўриб чиқиб, «ижобий» ҳал этишди. Менга бир оғиз сўз беришмади. Комиссия раиси узундан-узоқ панд-насиҳатларида менга қорхонани қандай беркитиш юзасидан «қимматли маслаҳат»лар берди. Кимларгадир ачиндим. Ҳамон раҳбарлардан чўши, ўринсиз андиша тараққиётга кишан бўлмоқда. Ахир, йилнинг биринчи чорагидаёқ бюджет ташкилотларига 1 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот сотдим. Мўл-кўлчилик ишига ҳисса қўшмоқчи, саховатпешалик тадбирларида фаол қатнашмоқчи, қатор боғчаларни оталиқча олмақчи эдим. Мен каби фермерлар ўз фаолиятини тўхтаста, бундан кимга фойда-ю кимга зиён?

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 1998 йилдаги қарори асосида адабиёт, санъат, меҳнаткашлар бадиий ҳаваскорлик ижодиёти вакилларининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» деган шарафли номни кўлга киритиш юзасидан олиб борилган кўрик-танлов якунланди. Ҳолилар орасида наманганлик истеъдод эгаси Акрамжон Сатторов ҳам бор. Куйида унинг Ватан, она заминини мадҳ этувчи шеъри ҳавола этиляпти.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ўтмишинг мен эмас, билганлар айтсин,
Озми-кўп ўқиган, кўрганлар айтсин,
Дарди ич-ида юрганлар айтсин —
Тарихи бойдирсан, Ўзбекистоним,
Дунё бор — бордирсан, Ўзбекистоним.

Бошингда айланган тегирмон тоши,
Талқон қилди қанча мардларнинг бошин,
Эгилди, синмади ўзбек бардоши,
Фурурсан, ордирсан, Ўзбекистоним,
Бургуту сордирсан, Ўзбекистоним.

Бугун эрк қўшиб сочиб шуъла-нур,
Бошингни силаркан ўктам юксалур,
Энди етти иқлим сени тан олур —
Кудрати зоҳирсан, Ўзбекистоним,
Нияти тоҳирсан, Ўзбекистоним.

Истиқлол нуридан қамашган кўзлар,
Отмоққа пайпаслаб катта тош излар,
Иқболнинг кимларнинг ярасин тузлар,
Ҳангима тордирсан, Ўзбекистоним,
Разилга дордирсан, Ўзбекистоним.

Қалбини шубҳалар кемирганларга,
Ишончин бўҳтонлар емирганларга,
Нонинг туя қилиб семирганларга,
Бир куни бордирсан, Ўзбекистоним,
Адолат қордирсан, Ўзбекистоним.

Тинчлик, дўстлик эрур мустаҳкам гоинг,
Кўшни гулзорини маҳв этмас соянг,
Аждодлар руҳидир қалъа-ю қоянг,
Таваққур ёрдирсан, Ўзбекистоним,
Мангу баҳордирсан, Ўзбекистоним.

Даҳолар бешини муқаддас тупроқ,
Таваққур уфқда қўшибдек порлоқ,
Тупрогингни ўлдир қалбимда титроқ —
Темурсан, Бобурсан, Ўзбекистоним,
Қалбимга жодирсан, Ўзбекистоним.

Акрамжон САТТОРОВ.



ВАТАН ИШҚИ

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Марказий маданият уйида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Унда 20дан ортиқ бадиий жамоалар иштирок этдилар. Қизгин ижодий баҳсларда Марказий маданият уйи қатнашчиси Бехзод Юсупов биринчи, тумандаги 2-болалар санъат мактаби ўқувчиси Шохрух Комилов ва «Сўғдиёна» рақс дастаси, «Кизил шалола» маданият

уйининг иштирокчиси Мирижод Миркомилов иккинчи, 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жамшид Юсупов эса учинчи ўринни кўлга киритдилар. — Ҳолиларга вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловга йўлланма топширилади, — дейди Қибрай туман марказий маданият уйи раҳбари Улуғбек Абдувалиев. — Шу ўринда марказий маданият уйида санъатга қобилияти ва истеъдоди бор фарзандларимиз учун етарли шарт-шароитлар мавжудлигини эслатиб ўтмоқчи эдим. Хусусан, масканда 24 та тўғрақ фаолият кўрсатмоқда. Улар ёшларни ижодга йўналтиришда ҳамда истеъдод намуналарини юзага чиқаришда катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда туманда жами 8 та маданият уйи ва уларнинг 30 дан ортиқ бўлимлари иш олиб бормоқда.

У.УСМОНОВ.

МУСАВВИР ИЖОДИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Корея Республикаси элчионасида Ўзбекистоннинг машҳур рассомларидан бири - Николай Шинга тасвирий санъат соҳасидаги юксак ютуқлари учун Корея Республикаси KBS Давлат телевизион компаниясининг халқаро мукофотини топириш маросими бўлиб ўтди.

Мен ҳаётимнинг мана шу унутилмас дақиқаларида устозларим-

га ўз миннатдорчилигимни билдираман. Улар менга мўйқаламни моҳирона ишлатиш сирлари билан бирга Ўзбекистон халқлари ҳаётида ўз ўринини топишни ҳам ўргатди, — дейди Николай Шин. — Бу ўзбек ва корей маданиятини чуқур ўзлаштиришимга, ўзаро дўстликка интилган ҳар икки халқнинг асрий қадриятларини тасвирлашимга ёрдам берди.

БУ ҚИЗИК

Австриянинг Клагенфурт шаҳрида истиқомат қилувчи доктор Эмиль Штөмпль салкам 20 йилдан бери инсон тавсифи ва ҳулқи унинг сочлари рангига боғлиқлигини ўрганиб келади. У ўз изланишлари натижасини китобда баён этди. Олимнинг таъкидлашича, қора сочли кишилар миллати, қайси динга иқрос қилиши, билим даражаси ва ёшидан қатъи назар, баджаҳл бўлади. Лекин улар жаҳллари тез қайтар экан. Одатда бундайлар кек сақламайдилар.

Доктор бу фақат эркакларга хос деб таъкидлайди.

Қора сочли аёллар эса, аксинча, аламни узоқ эсдан чиқармайдилар ва ҳатто, кўп вақт ўтгандан кейин аёвсиз ўч олишга қодирдилар.

Сарғиш сочли кишилар ва аёллар умуман чуқур ҳиссиётларга берилишга мойил эмас. Улар тез «совусалар» ҳам кескин хатти-ҳаракатлар қилишга тайёр турадилар. Қизғиш сочли кишилар атрофдагиларга анча хавфли ҳисобланадилар. Айни вақтда улар қалин ва беғарз дўст бўлиш қобилиятига эгадирлар.

К.ОЛЛОЁРОВ.

УНУТИЛМАС ОНАЛАР

Ургут туманида «Соғлом авлод йили»га бағишланган касаба уюшма ходимлари ўртасида спартакиада мусобақалари бошланди. Спартакиада иштирокчилари спортнинг 13 тури бўйича беллашуларда иштирок этишмоқда.

Мусобақаларни шахматчилар бошлаб беришди. Мазкур баҳсларда Ш.Рашидов номли жамоа ҳўжалиги вакиллари биринчи, «Акрамобод»-лик шахматчилар иккинчи ва «Янгиариқ» ширкат ҳўжалиги спортчилари учинчи ўринларни эгаллашди. Беллашувда Ш.Рашидов номли жамоа ҳўжалиги аъзолари М.Мавлонов, М.Солиева, Р.Жўраева ва акрамободлик З.Баҳромовларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Шашкачилар баҳсида эса бир неча йиллардан бери голибликни кўлдан бермай келадиган «Янгиариқ» ширкат ҳўжалиги вакиллари барча рақибларини мағлуб этиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. «Акрамобод» ширкат ҳўжалиги жамоасига иккинчи, Улуғбек номли ширкат ҳўжалиги шашкачиларига учинчи ўрин насиб этди.

Стол тенниси мусобақаларида «Акрамобод» ҳаваскор теннисчилари голиб бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса «Самарқанд» ҳамда «Янгиариқ» ширкат ҳўжаликлари жамоалари эгаллашди. Мусобақалар давом этмоқда.

Х.АЛИЕВ.



Футболда омад доимо кучлиларга кулиб боқади, деган гап бор. Бу еттинчи турнинг марказий учрашуви — «Трактор» — «Дўстлик» ўйинида яна бир бор ўз исботини топди. «Дўстлик» жамоаси сафарда ўйнашига қарамасдан зафар кучиб, қимматли 3 очкога эга бўлди. Мезбонлар бутун учрашув мобайнида, айниқса иккинчи бўлимда тўхтовсиз ҳужумлар уюштирдилар. Бироқ, ҳисоб «Дўстлик» ярим ҳимоячиси Абдуқаҳор Маъруфалиев томонидан очилди. Боз устига, учрашувнинг иккинчи бўлимида жамоа сардори Фарид Хабибуллин ҳисобни 2:0 га етказди. Мезбонлар эса фақат битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар. Ҳа, чемпионат аввалида илк учрашувларни фақат галаба билан бошлаган «Трактор» кейинги ўйинларда кетма-кет очко йўқотмоқда. «Дўстлик» эса шу вақтга қадар ўтказилган етти учрашувда бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган ягона жамоа. Яна шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, «Дўстлик» сўнги уч турда, аввал учинчи ўринни эгаллаб турган «Сурхон»ни, кейин вақтинчалик карвонбошлик қилган «Насаф»ни, мана, еттинчи турда эса пешқадамлардан яна бири «Трактор» ни мағлуб этди.

Турнинг марказий учрашувларидан яна бири Қаршида бўлиб ўтди. Уз ол-

ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚДИ

Футбол

«Нефтчи» - «Зарафшон» - 4:0
«Андижон» - «Самарқанд-Д» - 2:3
«Сўғдиёна» - «Семурғ» - 0:2
«Гулистон» - «Пахтакор» - 1:1
«Хоразм» - «Кизилқум» - 1:1
«Турон» - «Бухоро» - 1:2
«Сурхон» - «Навбахор» учрашуви бошқа кунга қолдирилди.

ЕТТИНЧИ ТУРДАН СЎНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	7	5	2	0	14-6	17
2. «Насаф»	7	5	1	1	14-5	16
3. «Нефтчи»	6	4	1	1	13-5	13
4. «Трактор»	7	4	1	2	13-8	13
5. «Самарқанд-Д»	7	4	1	2	13-8	13
6. «Зарафшон»	7	4	1	2	9-11	13
7. «Металлург»	7	3	2	2	8-7	11
8. «Сурхон»	6	3	1	2	12-9	10
9. «Навбахор»	5	3	1	1	9-3	10
10. «Семурғ»	7	3	1	3	13-10	10
11. «Бухоро»	7	3	1	3	9-10	10
12. «Андижон»	7	2	3	2	10-11	9
13. «Пахтакор»	7	2	2	3	8-9	8
14. «Сўғдиёна»	7	2	2	3	6-9	8
15. «Гулистон»	7	2	1	4	8-13	7
16. «Кизилқум»	7	2	1	4	6-14	7
17. «Темирйўлчи»	7	1	2	4	10-13	5
18. «Хоразм»	7	1	1	5	3-9	4
19. «Кимёгар»	7	0	3	4	4-13	3
20. «Турон»	7	0	2	5	5-14	2



Маънавиятимиз хазинасидан

ҲАЁТ МУАЛЛИМ

Ночор аҳволда қолдик. Уч ўғлим билан кун бўйи итдек ишлаймиз, аммо биримиз икки бўлмапти. Қорнимиз нонга тўймайди, эгнимиз кийимга ёлчимайди, — дебди чол донишманд хузурига маслаҳат сўраш учун борганида. — Уғилларингизни уйлантирганмисиз? — Ҳа, — жавоб қайтарди чол. — Қозонларингиз алоҳида қайнайдимиз? — Ҳа. — Ака-укалар ўртасида мурося қочганми? — Ҳа, ҳа!!! Сиз буларнинг барини қаердан биласиз? — ҳайратланиб сўрабди чол. Донишманд мулоимлик билан дебди: — Кўпчилик бўла туриб, бунинг устига кеча-кундуз ишлаб, камбағал ва ночор яшашнинг бундан ўзга сабаби йўқ.

УМР МАЗМУНИ

Ота-онанинг икки ўғли бўлиб, ҳар қайсиси алоҳида феъл-атвор билан вояга етишибди. Каттаси оғир-босиқ, меҳнаткаш, кенжаси эса ўйинқароқ, саёқ юришга ишқибоз экан. Усиб-улғайишган, каттасини уйлашибди. Навбат укага етганида у оёқ тирабди: — Мен эркин куш бўлмоқчиман, — дебди ота-онанинг насихатини кулоққа олмасдан. — Рўзгорнинг тўрва-халтасини бўйимга осишни истамайман, у жаҳонгашталик қилишимга кишан бўлади. Дунё кўрмоқчиман.

Орадан йиллар ўтибди. Ота-она дорилфанодан дорилбақога юз тутишибди. Ниҳоят кунларнинг бирида соҳоқоли оқарган кичик ўғил дарвозадан кириб келибди. Акаси билан кучоқлашиб қуришаркан, ҳовлини тўлдирган болаларга менсимайгина қараб дебди: — Толганинг шуларми? Мен кўрганларни, сурган даври-давронимни сен ҳаёлингга ҳам келтира олмайсан.

Ака эса жилмайиб: — Адашясан ука, мен шундай тилсимот яратдимки, у сенинг қўлингдан келмайди ва унга ҳеч қачон қодир бўла олмайсан. Утирган ўринида бир оғиз сўз билан хоҳлаган юмушни муҳайё этаман, — шундай деб у фарзандларининг бирига чой келтиришни, иккинчисига ҳовлини супуришни, учинчисига оқват пиширишни буюрибди. Айтганлари дарҳол бажо келтирилибди. — Менинг тилсимотим ана шу, — дебди ака укасига қараб. Умри беҳуда ўтганига тушуниб етган ука бошини чангаллабди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ.

ТЕЛЕГРАФ ЙЎЛИ

Симли телеграф тақомиллашуви турлича кечди. 1855 йилда инглиз иختирочиси Д.Юз яратган ҳарф босувчи қурилма кенг тарқалиб кетди.

Тахрибли телеграфчи у билан бир дақиқада 40 тагача сўзни узатиши мумкин бўлган. Аммо бу тезлик ундан фойдаланувчиларни қониқтирмади. Шу туйғайли хабарни олдиндан қайд эта олувчи махсус қурилма яратишга тўғри келди. Бунга инглиз иختирочиси Ч.Уитсон муваффақ бўлди.

Ихтирочи 1858 йилда Морзе алифбосидаги нукта ва чирикларга мос ҳолда телеграф қоғоз тасмасини уриб тешадиган қурилма — перфоратор яратди. Шу билан бирга у узаткич лойиҳасини ҳам тузган эди.

Яна бир ихтирочи — Стюарт 1817 йили иккиёқлама дифференциал шошилинч нома узатишни йўлга қўйди. Бунда хабарлашадиган икки томон бир вақтинг ўзида ҳам хабар узатиб, ҳам қабул қилиш имконига эга бўлган. Битта телеграф линиясида кетма-кет биттадан ортиқ шошилинч нома бериш ёки қабул қилиш аммосини фаранглик муҳандиси Ж.Бодо ҳал эта олди.

Техника тараққиёти туйғайли ерости телеграф йўли пайдо бўлди. XIX аср охирига келиб бутун Европада умумий узунлиги 2840 минг километр, АҚШда эса 4 миллион километр узунликдаги ерости телеграф кабели ётқизилган эди.

«УНИВЕРСИАДА-2000» — НАМАНГАНДА

Маълумки, мамлакатимиз талаба ёшлари ўртасида спорт оммавийлигига эришиш, қолаверса, ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиб вояга етишуви учун кейинги йилларда республикамиз олий ўқув юрталари ўртасида спартакиадалар ўтказиш аънаънага айланиб бормоқда. 1998 йил Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети спорт майдонларида бўлиб ўтган республика талабаларининг универсиада мусобақаларида голиб чиққан университетимиз терма жамоаси навбатдаги, «Универсиада-2000»нинг мезбони бўлиш ҳуқуқини ҳам кўлга киритган эди. Шундан сўнг мусобақаларни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида университетимиз миқёсида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Олий билимгоҳ тасарруфидоги баҳслар ўтказиладиган барча спорт заллари ва майдонлари таъмирланиб, етарли даражада спорт жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, спортчиларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш каби масалалар бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Буларнинг барчасига университет раҳбарияти бошқош бўлди. Талабалар касаба уюшмаси ва турли жамоат ташкилотлари ҳам

ўз ҳиссаларини қўшдилар. «Универсиада-2000»нинг Наманганда ўтказилиши нафақат университетимиз, балки вилоятимиз учун ҳам юксак ишонч намунаси бўлиб, у зиммамизга катта масъулият юклайди. Зотан, беллашуларда тахминан 1,5 мингга яқин спортчи талабалар қатнашди. Бундан ташқари, бир қатор хорижий мамлакатлардан ҳам спортчи ёшлар келиши кутилмоқда. Университет терма жамоасининг мазкур мусобақаларда қатнашишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу вақтга қадар спортнинг 13 тури бўйича факультетлараро мусобақалар ўтказилиб, терма жамоа таркиби аниқланди. Ҳолиларга ректорат, талабалар касаба уюшмаси ва «Қамолот» жамоасининг қимматбаҳо эсдалик соғвалари тақдим этилди. Хуллас, бир сўз билан айтганда, Наманган Давлат университети «Гуллар шаҳрига хуш келибсиз!» дея, «Универсиада-2000» иштирокчиларини кутиб олишга шай.

Ш.БЕГМАТОВ,
Наманган Давлат университети талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси.